Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 84 (5375).
12 АПРЕЛЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● «Салют-7»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганликлари ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, СССР космонавт учувчилари Ю. В. Малишев билан Г. М. Стрекаловни иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида, Ҳиндистон Республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Ракеш Шармага Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида, биргаликда Совет—Ҳиндистон космик учишни тайёрлаш ва ўтказишда актив қатнашганлиги учун тадқиқотчи космонавт дублёри Ҳиндистон Республикасининг граждани Равиш Мальхотрани Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари эълон қилинган.

Кеча Ватанимиз пойтахти Москвада ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси очилди

ЎНБИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ПАРТИЯ ЙЎЛИДАН, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Коммунистлар ленинчи партиясининг сиёсий йўлини бутун халқ қўллаб-қувватламоқда ва маъқулламоқда. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов буни ниҳоятда яққол намойиш этди. Сайлов социалистик демократиянинг, совет жамияти бутун сиёсий системасининг тантанасига айланди.

Халқнинг мухтор вакиллари —Ўн биринчи чақириқ янги сайланган СССР Олий Советининг депутатлари аниқ вазифалар билан қуролланиб, унинг биринчи сессиясига йиғилдилар. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларида, ўртоқ К. У. Черненконинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этиб берилган. Ана шу қарорлар ва нутқда ривожланган социализмни такомиллаштириш соҳасидаги ишларнинг энг муҳим йўналишлари чуқур ва атрофлича анализ қилинган.

Пленумда муҳокама этилган масалалар ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Уларни амалга оширишда халқ депутатлари Советлари масъулиятли роль ўйнайдилар.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси 11 апрель куни Кремлда зўр сиёсий активлик ва ишчанлик вазиятида ўз ишини бошлади.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Эрталаб соат 10да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан Миллатлар Советининг биринчи мажлисини кекса депутатлардан бири **Т. Н. Хренников** очди. У ўзига билдирилган юксак шараф учун чуқур миннатдорчилик билдириб, бундай деди:

СССР Олий Советига аввалги сайловдан кейин ўтган беш йил ичида мамлакат яна ҳам бадавлат ва бақувват бўлиб қолди. Унинг ишлаб чиқарувчи кучлари анча янгиланди. Мингдан кўпроқ саноат корхоналари ишга туширилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун талайгина ишлар қилинди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди. Ҳар бир совет оиласи давлатнинг доимий ғамхўрлигини сезиб турибди.

Бизнинг мамлакатимизда тарихда мисли кўрилмаган муносабатлар таркиб топдики, биз буни ҳақли равишда халқларнинг ленинчи дўстлиги деб атамоқдамиз. Партиянинг доно миллий сиёсати миллий манфаатлар билан умумдавлат манфаатларининг жуда тўлиқ қўшиб олиб борилишини гарантиялайди, ҳар бир миллатни ҳар томонлама ривожлантириш, СССР халқлари бутун қардошлик иттифоқини юксалтириш ва равнақ топтириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Бизнинг барча ютуқларимиз— КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик фаолияти натижасидир. КПСС ривожланган социализмни ҳар томонлама такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи талаб-эҳтиёжларига мос бўлиб тушадиган сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда. Партия билан давлат тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, инсониятни термоядро ҳалокати хавфидан халос этиш учун барча зарур ишларни қилмоқдалар. Совет кишилари Коммунистик партия сиёсатини, унинг халқ хоҳиш-иродаси ва орзу-умидларини ифода этувчи қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитети февраль ва апрель Пленумларининг якунлари бутун мамлакатда мамнуният билан кутиб олинди. Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлиги астойдил маъқулланди.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети оммавий КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган бир вазиятда ўз ишини бошламоқда. Ўртоқ К. У. Черненко Марказий Комитет апрель Пленумида сўзлаган нутқида чуқур мазмунли ва яққол қилиб айтганидек, бизнинг олдимизда катта вазифалар турибди. Т. Н. Хренников депутатлар номидан гапириб, улар КПСС сиёсатини муттасил ва изчиллик билан амалга ошира берадилар, улуғ совет халқига садоқат билан ҳалол хизмат қилаберадилар, деб партия Марказий Комитетини ишонтирди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлиси очиқ деб эълон қилинади.

Миллатлар Совети палата раиси билан унинг ўринбосарларини сайлашга киришади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари депутат **Г. В. Романовга** сўз берилади. У оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан депутат **А. Э. Восси** Миллатлар Совети раиси этиб сайлашни таклиф қилди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Қараганда металлургия комбинати домна цехининг биринчи горновойи **Т. Д. Адам-Юсупов**, РСФСР Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари **Ю. В. Бондарев**, Ленинобод областидаги «Биринчи май» колхозининг аъзоси **Ф. Тоирова**, Могилев областидаги Белиничи 1-ўрта мактаб ўқитувчиси **Е. Я. Лобачева** бир овоздан палата раисининг ўринбосарлари этиб сайланадилар.

(Давоми 2-бетда).

К. У. ЧЕРНЕНКО.
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Соат 12 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси очилди.

К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Иттифоқ Советининг биринчи мажлисини оқсоқоллар кенгашининг топширувига биноан кекса депутатлардан бири **Б. Е. Патон** очди. У ўзига билдирилган юксак шараф учун миннатдорчилик билдириб, бундай деди:

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг фаолият муддати тугади. Бу давр— совет кишиларининг социалистик Ватанни янада равнақ топтириш йўлидаги саботли кураши йиллари бўлди. Ленинча ташқи сиёсат— халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги сиёсати изчиллик билан ўтказилди. Хўжалик ва социал —маданий қурилишда янги чўққиларга эришилди. Совет умумхалқ давлати ўз ривожида янги поғонага кўтарилди, социалистик демократия изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Иқтисодий ва социал —сиёсий вазифаларни ҳал этишда советларнинг роли ошди.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети ўз фаолиятини амалий, ижодий вазиятда бошламоқда, деб таъкидлади депутат. Мамлакатда бу йилги ва умуман ўн биринчи беш йилликдаги план ҳамда мажбуриятларни бажариш учун, иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир участкада интизомни мустаҳкамлаш учун бошланган мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг якунларини, ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганини бутун халқ қўллаб-қувватлади.

Мамлакат коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумидаги ёрқин нутқини маъқуллаб кутиб олдилар. Бу нутқда коммунистик қурилишнинг катта-катта масалалари чуқур таҳлил этилган. Бу нутқ СССР Олий Советининг депутатлари учун айниқса муҳимдир.

Депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Депутатлик мандати, деб уқтирди нотиқ, — бизнинг зиммамизга бутун куч-ғайратимиз ва билимимизни коммунизм қурилиши ишига сарфлаш, ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг иттифоқини, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтириш масъулиятини юклайди.

Б. Е. Патон сессиянинг мўътабар минбаридан туриб, ҳар биримиз юксак ишончни оқлаш учун куч-қувватимизни аямаймиз, деб барча депутатлар номидан ваъда берди. Улар ўзларининг бутун фаолиятида жонажон Коммунистик партиянинг сиёсатини изчиллик билан муттасил амалга ошира берадилар, совет халқига садоқат билан виждонан хизмат қиладилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси очиқ деб эълон қилинади.

Иттифоқ Совети палата раиси ва унинг ўринбосарларини сайлашга киришади.

(Давоми 2-бетда).

МЕҲНАТ ВА БИЛИМИМИЗНИ ПАРТИЯГА, ВАТАНГА БАҒИШЛАЙМИЗ

ИТТИФОҚ СОВЕТИ БИЛАН МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Соат 17 да Катта Кремль саройида, СССР Олий Советининг мажлислар залида Иттифоқ Совети билан миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси очилди.

К. У. **Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисда **Л. Н. Толкунов** раислик қилади.

Сессия кун тартибининг навбатдаги масаласини кўриб чиқишга— СССР Олий Советининг Президиумини сайлашга киришади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **М. С. Горбачевга** сўз берилади.

Депутат М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Депутат ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненкони Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида Олий Советнинг партия группаси ва палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари қўллаб-қувватлаган таклифни сизларнинг муҳокамангизга ҳавола қиламан. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

Бу масала КПСС Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган Пленумида кўриб чиқилди. Сўнгги йиллардаги партия ва давлат қурилиши тажрибасига таяниб, совет жамияти ва давлатининг олий манфаатларига асосланиб Марказий Комитет Пленуми тўла якдиллик вазиятида партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Константин Устинович Черненко айни вақтда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимини ҳам эгаллаши зарур, деб топди. **(Давомли қарсаклар).**

Бу қарор СССР Конституциясида мустаҳкамлаб берилган коммунистик партиянинг жамиятимиздаги раҳбарлик роли билан, партия сиёсий системанинг барча бўғинлари ва аввало Совет давлати фаолиятининг бош йўналишларини белгилаб берганлиги ва белгилаб бераётганлиги билан чамбарчас боғланган. Давлат фаолиятида партиянинг сиёсатини мужассамлаштириш социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг, барча поғоналардаги халқ депутатлари Советларининг роли ва обрў-эътиборини оширишнинг, социалистик демократияни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг энг муҳим шарти бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлигини кўп йиллик тажриба яққол исботлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари айни вақтда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифаларини амалга ошириши Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатини ўтказиш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг халқаро майдонда олий давлат манфаатларига вакиллик қилиши Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати Коммунистик партиянинг йўлидан ажралмаслиги фактини яққол ифодалайди, бу йўлнинг энг асосий принциплари КПССнинг XXV ва XXVI съездларида, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган Тинчлик программасида таърифланган.

Коммунистлар, барча совет кишилари Константин Устинович Черненкони юксак сиёсий ва ташкилотчилик қобилиятларига, зўр ҳаётий тажрибага эга бўлган, коммунизм ва тинчлик учун матонатли курашчи, синалган ленинчи раҳбар деб биладилар.

Константин Устинович Черненко кўп йиллар мобайнида партиямизнинг сиёсий йўлини ишлаб чиқишда ва ўтказишда бевосита қатнашиб, ўзининг бутун кучи ва билимини Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ўстиришга, халқ фаровонлигини оширишга сарфламоқда. У СССР Олий Советининг фаолият соҳасини, депутатлик ишини, совет қурилишининг, қонунчиликни ривожлантиришнинг хусусиятларини ўз тажрибасидан яхши билади. У социалистик демократия назарияси ва практикасини ишлаб чиқишга, давлат аппаратини такомиллаштиришга, партия ва совет органларининг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Константин Устинович Черненко СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясига бошчилик қилди, бу комиссия унинг раҳбарлигида партиямиз билан давлатимизнинг ташқи сиёсий йўлини турмушга актив тадбиқ этди. КПССнинг халқаро кескинликни юмшатиш, инсониятни ядро уруши хавфидан халос қилиш, бутун дунёда Тинчлик йўлидаги жуда катта иши К. У. Черненконинг фаолияти билан жуда бевосита боғланган.

Константин Устинович Черненконинг КПСС Марказий Комитети февраль Пленумидаги ва куни кеча бўлиб ўтган Пленумдаги нутқларида, унинг Москва Куйбишев райони сайловчилари ҳузуридаги нутқида мамлакатимизни социал-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожлантиришнинг, халқаро вазиятни соғломлаштиришнинг кенг амалий программаси баён этилган. Бу программани совет кишилари, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Уни жаҳон жамоатчилиги юксак баҳолади.

Депутат ўртоқлар, мана шуларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненконинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси қилиб сайланиши умумий ишга, ҳозир олдимизда турган улуғвор вазифаларни ҳал этишга катта фойда келтиради, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш имконини беради, деб қатъий ишонч билдириш учун асос бўла олади. **(Давомли қарсаклар).**

М. С. Горбачев СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари, раиснинг ўринбосарлари, СССР Олий Совети Президиумининг секретари ва аъзолари тўғрисидаги таклифларни депутатлар муҳокамасига ҳавола этади.

* * *

СССР Олий Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари депутат **К. У. Черненкони** бир овоздан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлайди. **(Залдагилар бу қарорни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар).**

Сўнгра депутатлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат депутат **В. В. Кузнецовни** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайладилар. Раиснинг ўринбосарлари, СССР Олий Совети Президиумининг секретари ва аъзолари сайланади.

Ўртоқ **К. У. Черненкога** сўз берилади. Депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб уни узоқ давом этган қарсаклар билан табриклайдилар.

Депутат К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Депутат ўртоқлар, бизга кўрсатилган юксак ишонч учун КПСС Марказий Комитетига, сизларнинг ҳаммангизга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирсам СССР Олий Советининг ҳозиргина сайланган Президиуми барча аъзоларининг ҳис-туйғуларини ифодалаган бўламан, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Бу ишонч бизнинг зиммамизга бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни жонажон партияга, совет халқига, социалистик Ватанимизга хизмат қилишга сарфлаш вазифасини юклашини ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз.

Менга юксак шараф кўрсатилиб, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаганингиз учун сизларга жуда чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).** Ҳозирги пайтда шу вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган жуда катта масъулиятни тўла-тўкис тушуниб турибман.

Экономиканинг самарадорлигини анча ошириш ва шу асосда барча совет кишиларининг турмуш шароитларини муттасил яхшилаш учун пухта ўйлаб тузилган, катта қарорлар ва зўр ташкилотчилик иши ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Ташқи сиёсат оқилона битимларга эришиш йўлларини қидиришда доимий активликни, қатъиятликни, изчилликни талаб қилади. Ташқи сиёсат халқаро кескинликни бартараф этишга, хавфсизликни, халқаро майдондаги давлат манфаатларимизни таъминлашга, бутун дунёда тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қаратилган.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш соҳасидаги ҳамма ишларимизда СССР Олий Совети, унинг Президиуми, доимий комиссиялари жуда катта роль ўйнайди. Улар иқтисодий ва социал-маданий қурилиш, қонунларни ривожлантириш, ташқи сиёсат соҳасида катта иш қилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ЭКИПАЖИНИНГ ПАРВОЗИ ТУГАДИ

КОСМОНАВТЛАР ЮРИЙ МАЛИШЕВ, ГЕННАДИЙ СТРЕКАЛОВ ВА РАКЕШ ШАРМА ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

ТАСС АХБОРОТИ

Кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт учувчиси Юрий Малишев, бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт учувчиси Геннадий Стрекалов ва тадқиқотчи космонавт Ҳиндистон Республикаси граждани Ракеш Шармадан иборат халқаро экипаж «Салют—7» — «Союз Т—10» — «Союз Т—11» илмий — тадқиқот комплекси ичида биргаликдаги ишлар программасини бажарганларидан кейин 1984 йил 11 апрель куни Москва вақти билан соат 14 у 50 минутда ерга қайтиб тушдилар. Космонавтлар Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьков «Салют—7» станциясида ишни давом эттирмоқдалар.

«Союз Т—10» кемасининг туширувчи аппарати Совет Иттифоқининг белгиланган районида — Орқалиқ шаҳридан 46 километр шарқда ерга қўнди.

Космонавтлар Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ракеш Шарма ерга қўнганидан кейин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Халқаро экипаж «Салют—7» — «Союз Т—10» — «Союз Т— 11» одам бошқарадиган комплекс ичида парвоз вақтида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон олимлари ва мутахассислари биргаликда тайёрлаган ва режалаштирилган илмий программани тўла-тўкис бажарди.

Космонавтлар ернинг табиий ресурсларини тадқиқ қилиш ва «Терра» программаси доирасида атроф муҳитни ўрганиш мақсадида Ҳиндистон территориясини ва Ҳинд океани акваториясининг айрим районларини фотосуратга олдилар.

«Испаритель» технологик қурилмасида космик материалшунослик программаси асосида термо-масса ўтиш жараёнларини ўрганиш ва вазнсизлик шароитида аморф металл материаллар ҳосил қилиш имкониятларига оид бир қанча экспериментлар бажарилди.

Илмий программанинг катта қисми медицина тадқиқотлари учун ажратилган эди. «Баллисто», «Вектор», «Оптокинез», «Профилактика», «Йога», «Мембрана», «Опрос», «Анкета» экспериментларини бажариш давомида одам организмининг космик парвоз шароитларига мослашиш хусусиятлари тўғрисида янги ахборотлар олинди. Ўтказилган ишларнинг натижаларидан вазнсизликнинг ноқулай таъсири профилактикаси метод ва воситаларини такомиллаштириш учун, шунингдек космонавтлар меҳнати ва дам олишининг қулай режимини белгилаш учун фойдаланилади.

Леонид Кизим, Владимир Соловьев, Олег Атьков, Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ракеш Шарма биргаликдаги тадқиқот ва экспериментларнинг мураккаб ва тиғиз программасини бажаришнинг ҳамма босқичларида тўла ҳамжиҳат бўлиб ишладилар ва юксак профессионал маҳорат кўрсатдилар.

Муваффақиятли тугаллланган космик парвоз Совет—Ҳиндистон дўстона муносабатларини янада ривожлантиришга қўшилган янги ҳисса бўлди. Совет Иттифоқи миллий программа доирасида ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда космик фазони бутун инсоният манфаатларини кўзлаб тинчлик мақсадларида ўзлаштираётганлигини яна бир бор намойиш қилди.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

МЕҲНАТ ВА БИЛИМИМИЗНИ ПАРТИЯГА, ВАТАНГА БАҒИШЛАЙМИЗ

ИТТИФОҚ СОВЕТИ БИЛАН МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

(Боши 1-бетда).

Ҳозир барча поғоналардаги советларга раҳбарлик қилиш, қабул этиладиган қарорларнинг ижроси устидан, бошқарув органларининг фаолияти устидан контролликни кучайтириш соҳасидаги иш ҳар бир соҳада интизом, уюшқоқлик, масъулиятни ошириш учун кураш уларнинг фаолиятида алоҳида ўрин олиши керак, деб ўйлайман. Бу ўринда ҳар бир депутатнинг активлиги ва ташаббускорлигини ошириш учун катта имкониятлар бор.

Халқ сайлаб қўйган кишилар халқнинг тажрибасини, ақл-заковатини, ижодий ғайратини мужассамлаштиришлари керак. Олий ҳокимият организмининг иш мароми, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги халқ сайлаб қўйган кишиларнинг умумий ва шахсий ҳиссасига боғлиқдир.

Модомики шундай экан, ҳаммамиз биргаликда шундай-ишлайликки, мана шу иш мароми бир текис ва аниқ бўлсин, ички ривожланишимиз вазифаларининг, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун кураш вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилишини таъминласин.

Кейинги вақтларда омманинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлиги анча ошди. Бу — экономика ва ғоявий-сиёсий тарбия соҳасида ўзимиз авж олдириб юборган ишнинг бевосита натижасидир.

Советлар фаолиятининг ҳамма соҳалари яхшиланиши, социалистик демократияни, жамиятимизнинг бутун сиёсий системасини янада такомиллаштириш борасидаги иш шу мақсадга актив хизмат қилиши керак.

Марказий Комитетнинг кеча бўлиб ўтган Пленумида уқтирилганидек, ҳали советларнинг ишида фойдаланилмаётган кўпгина резервлар бор. Шу сабабли бу резервларни ишга солиш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишимиз лозим.

Советлар бизнинг хўжалик ишларимизда, экономикани бошқариш системасини такомиллаштиришда ўйнаши мумкин ва лозим бўлган ролга алоҳида эътиборни қаратиш керак.

Советлар ўзларининг контроллик вазифаларини активроқ амалга оширишлари, ўзларига ҳисобот берувчи ташкилотларга, мансабдор шахсларга нисбатан кўпроқ талабчанлик қилишлари муҳимдир.

Советларнинг ҳам қонун чиқарувчилик, ҳам ижрочилик, ҳам контроль қилувчилик фаолияти оммани ташкил этишга ва унинг ғайрат-шижоатини оширишга хизмат қилиши керак. Бу эса меҳнаткашларнинг аниқ-равшан манфаатларига, талаб-эҳтиёжларига кўпроқ эътибор билан қарашни ҳам, афсуски, советларнинг ишида ҳали учраб турадиган формализм, расмиятчилик иллатларини изчиллик билан тугатишни ҳам талаб қилади.

Биз КПСС XXVI съезди ва Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари йўл-йўриқларига амал қилиб, яқин истиқбол учун ўз олдимизга қуйидаги вазифани қўйсак, тўғри бўлади деб ўйлайман:

Советларнинг конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдаланишга, халқ ҳокимиятимиз органлари амалда меҳнаткашларнинг халқ хўжалигини, жамият, давлатнинг ҳамма ишларини идора қилишда жуда актив онгли, манфаатдор иштирокини таъминлашига сабот билан ҳаракат қилайлик.

Ўртоқлар, сўзимнинг охирида юксак ишонч учун сизларга яна бир бор миннатдорчилик билдиришга ва келгуси даврда партия билан бутун совет халқи экономикани ривожлантиришда, совет кишиларининг маданияти ва фаровонлигини юксалтиришда, ер юзида ялпи тинчликни мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч изҳор этишга ижозат бергайсизлар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар, ҳамма ўрнидан туради).**

* * *

Мажлисда раислик қилувчи ўз номига СССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. А. Тихоновдан тушган аризани ўқиб эшиттиради:

«СССР Конституциясининг 129-моддасига биноан, СССР Министрлар Совети ўз вазифаларини бажариб бўлган деб ҳисоблайди ҳамда янги сайланган СССР Олий Совети олдида ўз зиммасидаги ваколатларини соқит қилади.

СССР Министрлар Совети Сиздан ушбу аризани Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Советига маълум қилишни сўрайди».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкога сўз берилади, у қизғин қарсаклар билан кутиб олинади.

Депутат К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Депутат ўртоқлар!

Биз СССР Министрлар Советининг Раисини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишимиз лозим.

Партия Марказий Комитетининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Николай Александрович Тихоновни яна СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига тайинлаш тўғрисида СССР Олий Советининг партия группаси ва палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари қўллаб-қувватлаган таклифни сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Депутат ўртоқлар, агар сиз шу таклифни қабул этсангиз, ўртоқ Тихоновга СССР Министрлар Советининг шахсий состави тўғрисида СССР Олий Советига таклиф киритишни топшириш мумкин бўлур эди.

Сессияда состави тасдиқланадиган ҳукуматимиз олдида ҳозир катта, жиддий вазифалар турибди.

Аввало гап беш йиллик планни муваффақиятли тугаллаш тўғрисида бормоқда.

Эндиликда ўн биринчи беш йиллик мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати ўсишини, совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш даражасини оширишни белгилаб берадиган кенг миқёсли комплекс программаларни бажаришнинг бениҳоя масъулиятли маррасига етиб келди.

Шу билан бирга ҳозирнинг ўзидаёқ янги, ўн иккинчи беш йилликни тузиш соҳасида зўр ғайрат билан иш олиб бориш лозим.

Гап ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсив ривожланиш йўлига қатъият билан ўтказишни изчиллик билан амалга ошириб, планлаштириш ва бошқаришни янада яхшилашга, бутун хўжалик механизмимизни такомиллаштиришга доимо эътибор бериш тўғрисида бормоқда.

Ниҳоят гап совет халқининг, қардош социалистик мамлакатларнинг яшаши ва ишлаши учун қулай шароитларни таъминлашга, инсониятни термоядро фалокати хавфидан ҳалос қилишга, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган актив ташқи сиёсатни амалга ошириш тўғрисида бормоқда. **(Давомли қарсаклар).**

ПАРТИЯ ЙЎЛИДАН, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

(Боши 1-бетда).

Депутатлар Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети алоҳида-алоҳида ва қўшма мажлисларининг регламентини тасдиқладилар. Қуйидаги масалалар муҳокамага тақдим этилади:

1. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг мандат комиссияларини сайлаш.
2. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг доимий комиссияларини тузиш.
3. СССР Олий Совети Президиумини сайлаш.
4. СССР Министрлар Советини тузиш.
5. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
7. СССР Халқ контроли комитетини тузиш.
8. СССР Олий судини сайлаш.
9. СССР Бош прокурорини тайинлаш.

Миллатлар Совети сессиянинг кун тартибини ва масалаларни кўриб чиқиш тартибини бир овоздан тасдиқлади.

Миллатлар Советининг мандат комиссияси 35 депутатдан иборат составда сайланди. **О. С. Мирошхин** комиссиянинг раиси этиб сайланди.

Шу билан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлиси тугади.

* * *

Соат 14 да палаталарнинг мажлислар залида Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси очилди. А. Э. Восс раислик қилди.

Миллатлар Совети мандат комиссиясининг раиси **О. С. Мирошхиннинг** ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисидаги докладини тинглади.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига ўтказилган сайлов, деб таъкидлади докладчи, Коммунистик партия билан Совет халқининг метиндек бирлигини, советлар мамлакати барча миллат ва элатларининг қардошларча дўстлиги буюк кучини, меҳнаткашлар, совет жамиятининг барча табақалари коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг сайлов платформасини, партиянинг Ватан иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашни кўзловчи сиёсатини ёппасига қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир бор яққол намойиш этди.

Жамиятимиз нақадар ижодий ҳаёт кечираётганини, реал социализм демократияси замирида омманинг ижтимоий-сиёсий активлигини ўстириш учун битмас-туганмас имкониятлар борлигини бутун сайлов кампаниясининг бориши яққол кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқи совет кишиларининг дилларида қизғин акс садо берди. Бу қарорларда ва нутқда халқ депутатлари Советларининг фаолиятини янада яхшилаш, ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия бериш ишини такомиллаштиришнинг муҳим вазифалари белгиланди.

Партиянинг принципиал сиёсий йўл-йўриқларини собитқадамлик билан актив рўёбга чиқариш — ҳозир СССР Олий Советининг, халқ депутатлари барча Советларининг фаолиятини белгилаб турган бош масаладир. Сайлов куни, деб уқтирди докладчи, овозга қўйилган номзодларнинг ҳаммаси овозларнинг мутлақ кўпчилигини олиб, депутат қилиб сайландилар.

Миллатлар Советига иттифоқдош республикалардан 479 депутат, автоном республикалардан 220 депутат, автоном областлардан 40 депутат ва автоном округлардан 10 депутат сайланди.

Палата депутатлари орасида 59 миллат вакиллари бор.

Мандат комиссияси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, партия ва давлат арбоблари, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг энг яхши вакиллари миллатлар советига депутат қилиб сайланганликларини зўр мамнуният билан маълум қилади.

Миллатлар Советига 261 ишчи ва 137 колхозчи сайланган, бу эса палата барча депутатларининг 53,1 процентини ташкил этади. Миллатлар Совети составида корхона раҳбарларидан, халқ хўжалиги турли тармоқлари мутахассисларидан 26 киши, совет органлари ва бошқа давлат органлари ходимларидан 100 киши, партия, касаба союз ва комсомол органлари ходимларидан 110 киши, фан, маданият, санъат, маориф, соғлиқни сақлаш, матбуот ходимларидан 89 киши, ҳарбий хизматчилардан 26 киши бор.

Миллатлар Советининг 520 депутати—Коммунистик партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 229 депутат—партиясизлар бўлиб, улардан 118 киши ВЛКСМ аъзоларидир. Депутатлар орасида 259 киши хотин-қизлардир. Бу эса палатамиз депутатларининг 34,6 процентини ташкил этади.

Миллатлар Советининг депутатлари ёш состави жиҳатидан қуйидаги маълумотлар билан характерланади: депутатларнинг 25 проценти ёки 187 киши 30 ёшга тўлмаган шахслардир. 31 ёшдан 50 ёшгача бўлган депутатлар 35 процентни, 51 ёшдан 60 ёшгача бўлган депутатлар 25,7 процентни, 60 ёшдан катта депутатлар 14,3 процентни ташкил этади.

Палатанинг 726 депутати ёки 96,9 проценти олий ва ўрта маълумотга эга, 115 киши ёки 15,4 проценти илмий даража ва илмий унвонга эга.

Докладчи Олий Совет Миллатлар Советининг ҳозирги состави 62,6 процент янгиланганлигини маълум қилди.

Совет халқининг муносиб вакиллари Миллатлар Советига сайланган. Миллатлар Советининг 572 депутати Ватан олдидаги хизматлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланган, 14 депутат Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва 104 депутат Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган. Палата депутатларидан 113 киши Ленин мукофоти ва давлат мукофотининг лауреатларидир.

СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатларининг состави улар мамлакат турмушининг муҳим масалаларини омилкорлик билан ҳал этиш учун барча имкониятларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Миллатлар Советининг мандат комиссияси СССР Конституциясининг 110-моддасига асосан ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текширди. Миллатлар Советининг мандат комиссияси тақдим этилган материалларни текшириб, барча округларда сайлов СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ тарзда тўғри ўтказилганини аниқлади. Сайлов комиссиялари ва мандат комиссиясига Миллатлар Совети депутатларидан бирортасига нисбатан сайлов натижаларини шубҳа остида қолдирадиган ҳеч қандай шикоят ва ариза тушмади.

Мандат комиссияси 1984 йил 4 мартда Миллатлар Советига сайланган ва Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган барча 749 депутатнинг ваколатини тўғри деб топиш ҳақида таклиф киритди.

Мандат комиссиясининг доклади юзасидан 1984 йил 4 мартда сайланган Миллатлар Совети 749 депутатининг ваколати СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ деб топиш тўғрисида Миллатлар Советининг қарори қабул қилинади.

Кун тартибидаги навбатдаги масала — Миллатлар Советининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисидаги масала юзасидан депутат **А. Ф. Рюйтел**га сўз берилади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг нутқларида, деди у, совет давлатчилигини, социалистик демократияни янада ривожлантиришнинг, улар замиридаги жуда катта ижодий ва бунёдкорлик потенциалидан янада самаралироқ фойдаланишнинг принципиал йўналишлари баён этиб берилган.

Партиямиз ва давлатимизнинг КПСС XXVI съездида ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсатини рўёбга чиқариш соҳасида СССР Олий Советининг вазифалари кўпайиб бормоқда. Қонунчилик, бошқариш ва контролни маҳкам бирлаштирган давлат ҳокимиятининг олий органи фаолиятида доимий комиссиялар актив роль ўйнаши лозим. Экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг, халқ фаровонлигини ўстиришнинг, ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг ҳамма соҳаларида уюшқоқлик ва интизомни оширишнинг муҳим масалалари доимий комиссияларнинг диққат марказида туриши лозим.

Аввалги чақириқ Олий Советида ишлаб тургани сингари асосан доимий комиссияларни палаталарда тузиш тўғрисида таклиф киритилади. Бунда фаолият соҳасидаги баъзи аниқликларнигина ҳамда бир қанча

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

(Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **В. И. Долгих**га сўз берилади. У оқсоқоллар кенгашининг топширувига биноан депутат **Л. Н. Толкунов**ни Иттифоқ Советининг раиси қилиб сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **П. П. Гришкявичус,** Ашхобод областидаги «Тезе-ел» колхозининг аъзоси **О. С. Қулова,** Украина ССР Фанлар академиясининг президенти **Б. Е. Патон,** Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг бўёқчиси **Ҳ. А. Норматова** палата раисининг ўринбосарлари қилиб бир овоздан сайланадилар.

Депутатлар Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида ҳамда қўшма мажлислари тартибини тасдиқладилар. Қуйидаги масалалар муҳокамага киритилади:

1. Миллатлар Совети ва Иттифоқ Советининг мандат комиссияларини сайлаш.
2. Миллатлар Совети ва Иттифоқ Советининг доимий комиссияларини тузиш.
3. СССР Олий Советининг Президиумини сайлаш.
4. СССР Министрлар Советини тузиш.
5. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
7. СССР Халқ контроли комитетини тузиш.
8. СССР Олий судини сайлаш.
9. СССРнинг Бош прокурорини тайинлаш.

Иттифоқ Совети сессиянинг кун тартибини ва иш тартибини бир овоздан тасдиқлади.

Иттифоқ Советининг 35 депутатдан иборат мандат комиссияси сайланди. **К. С. Демирчян** унинг раиси этиб сайланди.

Шу билан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси тугади.

* * *

Соат 15 да палаталарнинг мажлислар залида Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси очилди. **Л. Н. Толкунов** раислик қилди.

Иттифоқ Совети мандат комиссиясининг раиси **К. С. Демирчян**нинг ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисидаги докладини тинглади. Докладчи шуни таъкидладики, СССР Олий Советига ўтказилган сайлов жамиятимиз метиндек бирлигининг, совет кишиларининг Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларининг янги ёрқин тасдиғи бўлди. Сайлов якунлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини меҳнаткашлар якдиллик билан маъқуллаб — қўллаб-қувватлаётганликларининг, улар Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, ўзининг умумхалқ давлати ишларида актив қатнашишга азму қарор берганликларининг яққол далили бўлди.

Совет кишилари Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, партиямиз сиёсатини турмушга татбиқ этиш учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко учун, партия ва Совет давлатининг барча раҳбарлари учун баланд руҳ билан овоз бердилар.

Сайловчилар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг яхши намояндалари учун якдиллик билан овоз бердилар.

Халқ хўжалиги кўпгина тармоқларининг ишлаб чиқариш илғорлари Иттифоқ Советининг депутатлигига сайландилар. Иттифоқ Советида 266 киши ёки 35,5 проценти ишчилар, 105 киши ёки жами депутатларнинг 14 проценти колхозчилардир. Ишчилар билан колхозчилар биргаликда палата барча депутатларининг қарийб ярмисини ташкил этади.

Иттифоқ Советининг депутатлари орасида илм-фан, маданият, адабиёт, санъат, маориф, соғлиқни сақлаш, матбуот ходимларидан 50 киши, совет ва давлат органларининг ходимларидан 98 киши, партия, касаба союз ва комсомол ходимларидан 158 киши, ҳарбий хизматчилардан 29 киши бор. 551 депутат КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар ва 199 депутат партиясизлардир.

Совет хотин-қизларининг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини ҳал этишдаги, давлат ва жамият ишларини идора қилишдаги катта ролини Иттифоқ Советига 233 нафар хотин-қиз депутат қилиб сайланганлиги кўрсатиб турибди. Булар палата барча депутатларининг 31,1 процентини ташкил этади.

Иттифоқ Советининг депутатлари мамлакат аҳолисининг барча ёш группалари намояндаларидир, улардан 144 киши ёки 19,2 проценти 30 ёшга етмаган йигит ва қизлар, шу жумладан 107 киши комсомоллардир. 31 ёшдан 50 ёшгача бўлган депутатлар 34,4 процентни, 51 ёшдан 60 ёшгача бўлган депутатлар 29,3 процентни, 60 ёшдан катта депутатлар 17,1 процентни ташкил этади.

Депутатлар орасида 40 миллатнинг вакиллари бор. Иттифоқ Совети депутатларидан 406 киши ёки 54,1 проценти олий маълумотли, 307 депутат ёки 40,9 проценти ўрта маълумотлидир. 103 депутатнинг илмий даражаси ёки илмий унвони бор. 629 депутат СССР орден ва медаллари билан мукофотланган, 16 депутат Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 149 депутат Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган, 122 депутат Ленин мукофоти ва давлат мукофотининг лауреатларидир.

Бўлиб ўтган сайловда СССР Олий Совети депутатларининг ярмидан кўпроғи янгиланди, деб таъкидлади докладчи. Шундай қилиб, меҳнаткашлар намояндаларининг каттагина янги отряди давлат ишларини идора қилишнинг олий мактабидан ўтиши лозим. Уларнинг ҳаммалари ижтимоий фаолиятнинг бой тажрибасига эга эканлиги табиий. Бу эса ўртоқларнинг мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлари юксак ва маъсулиятли вазифаларни шараф билан уддалашларига, ўз сайловчиларининг ишончини оқлашларига ишонч туғдиради. Кеча КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг Пленумида сўзлаган нутқида барча поғоналардаги Советларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришнинг кенг программасини баён этиб берди, деди сўнгра докладчи. Ҳар бир халқ депутати бу программани амалга оширишга, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини бажаришга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Иттифоқ Советининг мандат комиссияси СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ 1984 йил 4 март куни сайланган Иттифоқ Совети барча депутатларининг ваколатларини текшириб чиқди. Комиссия шуни аниқладики, барча сайлов округларидаги сайлов СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ равишда ўтказилди. Овозга қўйилган ҳамма номзодлар овозларнинг мутлақ кўпчилигини олиб, депутат қилиб сайландилар. Бирон-бир округдан депутатлар сайланишини шубҳа остига қўядиган ҳеч қандай шикоят ва аризалар Иттифоқ Советининг сайлов комиссиясига ва мандат комиссиясига тушгани йўқ.

Мандат комиссияси 1984 йил 4 март куни сайланган ва Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган Иттифоқ Советининг барча 750 депутати ваколатларини тўғри деб топишни таклиф қилади.

Мандат комиссиясининг доклади юзасидан Иттифоқ Советининг СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ 1984 йил 4 мартда сайланган Иттифоқ Совети 750 депутати ваколатларини тўғри деб топиш тўғрисидаги қарори қабул этилади.

Шундан кейин Иттифоқ Советининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда сўзга чиққан депутат **И. П. Калин**нинг хабар қилишича, СССР Конституцияси ва СССР Олий Советининг регламентига мувофиқ палаталарда доимий комиссиялар тузилиши лозим. Бу комиссия-

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида ўртоқ К. У. Черненко сўзлаган нутқ ҳамкасб ўртоқларимда, айниқса биз, депутатларда катта таассурот қолдирди. Бу нутқда коммунистик жамият қурилиши ҳозирги босқичида халқ депутатлари фаолиятининг аниқ йўллари белгилаб берилган.

Константин Устинович қардошларча халқлар дўстлигини қарор топтириш ишида Советларнинг катта роли тўғрисида айтган сўзлари менда айниқса кучли таассурот қолдирди. Тошкент тракторсозлари коллективида СССРдаги қарийб 40 та миллат ва элат вакили бир оила бўлиб яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Корхонамизнинг ўзи ҳам қардошларча халқлар дўстлигининг самараси бўлиб, уни барпо этишда Совет Иттифоқидаги кўпчилик трактор заводлари қатнашди. Биз депутатлар меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш борасида ҳамиша катта иш қилиб келдик ва қиляпмиз. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун, кўпчилик машинасозларнинг меҳнатни ташкил этиш бригада формасига ўтишлари ҳам шунга ёрдам бермоқда. Биз қишлоқ меҳнаткашларини пухта техника билан таъминлаш ишида эришаётган муваффақиятларимизни кўп миллатли коллективимизнинг аҳиллигидан деб биламиз. Ўртоқ К. У. Черненко айтган ишнинг бутун нозиклигини назарда тутиб, миллатларни янада равнақ топтириш, бирбирига яқинлаштиришга, интернационализм ғояларининг тантанасига қаратилган иш янги форма ва методларини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ривожлантираверамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қўйилган барча халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ва халқнинг юксак ишончини шараф билан оқлаш учун биз, депутатлар, бутун коллектив билан бирга энг кўп куч-ғайрат сарфлаймиз.

М. ТУРОПОВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси, Тошкент шаҳар Совети депутати.

ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида сўзлаган ёрқин нутқида мактабни ислоҳ қилиш катта программаси олға сурилган. КПСС Марказий Комитети лойиҳасини муҳокама қилишда бутун мамлакат: ишчилар ва олимлар, ўқитувчилар ва уй бекалари, қишлоқ меҳнаткашлари ва хизматчилар қатнашганликлари биз маориф ходимлари учун айниқса қимматлидир. Партия алоҳида муҳим ва мураккаб масалаларни муҳокама этиб, халқ билан, совет кишилари билан маслаҳатлашади, миллион-миллион кишиларнинг фикрини ҳисобга олади.

«Мактабни ислоҳ қилиш—бирданига ўтказиладиган тадбир эмас», деди Константин Устинович Черненко. Бу нарса мактаб ислоҳотини бундан-буён ҳам муваффақиятли амалга ошириш ҳар бир совет кишисига боғлиқ эканлигини билдиради. Ёш авлодни тарбиялаш шошма-шошарликни ёқтирмайдиган ғоятда муҳим ишдир. Бунда собитқадамлик ва изчиллик зарур. Шу машаққатли йўлда коммунистлар раҳбарлигида ҳамма вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига шубҳа йўқ. Партия режаларини бажаришда бутун халқ иштироки бунга гаровдир.

Б. МИРАҲМЕДОВ,
92-мактаб ўқитувчиси, халқ депутатлари Октябрь район Советининг депутати.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

Тошкент область партия комитетида кеча бўлиб ўтган кенгашда область партия комитети секретарлари ва бўлим мудирлари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, ташкилий бўлимларнинг ходимлари, партия комиссиялари раислари иштирок этдилар.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов «Область партия ташкилотининг Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети қарорлари,

● ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ШАҲРИМИЗ ГЎЗАЛ ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

Республика пойтахтида намунали тартиб ва озодалик ўрнатиш учун апрель ойининг ҳар бир кунидан тўла унум билан фойдаланиш лозим. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов олиб борган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария тозалиги икки ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар штабининг мажлисида ана шу талаб яна бир карра таъкидланди. Унда Ленин районида икки ойликнинг қандай бораётганлиги кўриб чиқилди.

Районнинг аксарият коллективлари шанбалик ва якшанбаликларда фаол иштирок этишмоқда. Электрон техника заводи, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, фармацевтика институтининг ишчи ва хизматчилари дарахт ва буталар ўтказиб, суғориш тармоқларини тозалашяпти, ўзларига

БУГУН—КОСМОНАВТИКА КУНИ

СУРАТЛАРДА: Юрий Гагарин (1964 йил); Константин Эдуардович Циолковскийнинг иш кабинетида. Экскурсантлар уй-музейнинг экспонатлари билан қизиқиб танишадилар.

В. Черединцев ва А. Пашин фотолари. ТАСС фотохроникаси.

• ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

ЮРИЙ ГАГАРИННИНГ ОНАСИ ҲУЗУРИДА

Она қалби... Чексиз меҳр тўла она қалбидан қудратлироқ ва бардошлироқ қалб бўлармикан!! Ҳар гал шу ҳақда ўйлаганимда биринчи космонавт Юрий Гагариннинг онаси Анна Тимофеевна билан бўлган учрашув ёдимга тушади.

Ўзбекистон ёзининг жазирама кунлари эди. Навбатдаги хизмат командировкаси билан Смоленск областидаги Гжатск шаҳри яқинидаги Клушино қишлоғига отландим. Ўша пайтда бу қишлоқ ҳақиқий интернационал оилага айланган эди: барча иттифоқдош республикалар ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари студент-қурувчиларидан ташкил топган 18 отряд биринчи космонавт-учувчи Ю. А. Гагарин туғилиб ўсган ерда унинг номи билан аталувчи янги шаҳар бунёд этишарди. «Ўзбекистон» отрядида меҳнат қилаётган 40 нафар ҳамюртимиз ўзларига ажратилган кварталда 1170 ўринли мактаб, ҳаммом ва кафе қурилишида иштирок этишарди. Ўзбек қурувчилари кундалик топшириқларини мунтазам ошириб бажаришар эди.

Ғолиб отряд аъзоларига Гагарин уйида унинг онаси Анна Тимофеевна билан суратга тушиш ҳуқуқи берилган эди. Бундай шарафли мукофот учун мусобақа авж олган эди. Отряд иш куни тугаганидан сўнг ҳам ишни давом эттирарди. Ниҳоят ўзбек қурувчилари биринчи ўринни эгаллашди ва орзуга эришилди.

Дам олиш куни. Қурувчи отрядларнинг аъзолари тунда ёғиб ўтган беозор ёмғирдан сўнг эрта саҳардаёқ мафтункор ўрмонга — қўзиқорин теришга кетишган. Биз ўзбекистонлик қурувчи ва журналистлар Смоленск область комсомол комитетининг вакили ҳамроҳлигида Гжатск сўқмоқларидан ўтиб, Гагарин кўчасига бурилдик. Икки томонида қайин ёғочидан қурилган ихчам ва шинам уйлар бўлган бу кўчани бир пайтлар кичик Юра чангитиб юрганини кўз олдимга келтирдим. Қизиқ, ҳар қандай инсон ҳам беғубор болалик йилларини босиб ўтади. Ўша чоғда унинг келажагини ким ҳам айтиб бера оларди дейсиз. Юранинг космосга йўл очиб беришини ҳамқишлоқлари хаёлларига ҳам келтиришмаган албатта.

Анна Тимофеевна бизни самимий, очиқ чеҳра билан кутиб олди. Суҳбатимиз албатта Юрий Алексеевич Гагарин ҳақида бошланди. Анна Тимофеевна бизга у туғилган хонани, болалик ва ўсмирлик йилларидаги фотоальбомни кўрсатди, унинг ёшлиги ҳақида гапириб берди.

— Мен дунёда энг бахтли онаман,— деди Анна Тимофеевна. — Ўғлим билан фахрланаман. У Ватанимизнинг муносиб ўғлони эканини исботлади ва совет гражданин деган фахрли номни оқлади. Юранинг дўстлари фарзандимдек бўлиб қолишди. Мен ёлғиз эмасман.

Анна Тимофеевна сўзини тугатгани ҳам йўқ эдики, дарвоза олдига «Чайка» келиб тўхтади. Ҳовлига бир группа космонавтлар рафиқалари, фарзандлари билан кириб келишди.

— Вой, болажонларим келишди...

Бир лаҳзада Анна Тимофеевнанинг чеҳраси ёришиб, қувонч нурига йўғрилди. Улар қучоқ очиб, кўришиб кетишди. Анна Тимофеевна космонавтларни ўз фарзандларидек эркалатиб, сочларини силарди. Назаримда, у жигарбанди Юрани эркалаётгандек эди.

Фарзанд меҳри тўла она қалбидан қудратлироқ ва бардошлироқ қалб бўлмаса керак!

Шу куни ғолиб отряд аъзолари Анна Тимофеевна ва космонавтлар билан суратга тушишди. Бу сурат ва шу учрашув хотираси уларнинг ҳар бири учун ҳаётда эришган энг катта бахт, бебаҳо бойлик бўлиб қолса керак.

М. ОБИДОВ.

ЮЛДУЗЛАР СИМФОНИЯСИ

Биз Владимир Жонибековни асосан космонавт-учувчи сифатида биламиз. Аммо унинг ўзи инсондан катта жисмоний ва руҳий қудрат талаб этувчи бу муҳим иш билан чекланмайди. Бўш вақт топди дегунча сурат чизишга ўтиради. Турли хил расмлар, бўёқли асарлар, пейзажлар, фантастик ва космик сюжетдаги суратлар, протретлар чизади. «Учқун», «Старт», «Ракета», «Парвоз» ва бошқа асарлари эса унинг устахонасидан чиқиб, Тошкентдаги иккита эътиборли кўргазмада намойиш этилди. Республика рассомларининг «Ягона оилада» ва Халқаро «Замон—макон — инсон» кўргазмаларида унинг асарлари билан кўплаб томошабинлар танишишга муяссар бўлдилар. Рассомнинг ўзига хос жанрли композициялари маркаларда, космос ва космонавтика ҳақидаги махсус нашрларда ҳам эълон қилинган.

Жонибековнинг рассом сифатидаги фаолияти Тошкентда, Суворов мактабида ўқиб юрган кезларида бошланган эди. У маҳаллий рассомлар билан тез-тез учрашиб турар, уларнинг устахоналарида бўлар, кўргазмаларини мароқ билан томоша қилар эди. Ўзининг расм солишга иштиёқини у космонавтлар отрядига қабул қилинганидан кейин ҳам йўқотмади. Аксинча деворий газеталарни чиқаришда фаол иштирок этди, сафарлардан янги-янги этюдлар чизиб қайтди.

Космик ракетанинг парвози — унинг энг севимли мавзуларидан биридир. Жонибеков космик ракетанинг қудратини, шу билан бирга гўзаллигини ёрқин акс эттиради.

Албатта космик, илмий фантастик мавзуларга мойиллик рассом учун долзарб, ҳаётий мавзулардан юз ўгириш деган маънони билдирмайди. Ердаги ҳаёт, унинг ташвиш ва қувончлари ҳақида ҳам кўпгина асарлари бор. Жумладан, унинг Куба халқи ҳаётига оид туркум ишлари бунга мисол бўла олади.

В. Жонибеков асарлари мавзу ва ижро услуби жиҳатидан хилма-хил. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳаётга, бизни ўраб турган борлиққа, коинотга ошиқ инсоннинг ўзига хос юлдузлар симфонияси деб аташ мумкин.

О. АПУХТИН.

СУРАТЛАРДА: В. Жонибеков яратган асарлардан намуналар. Автор фотоси.

• ЎТМИШДАН САДО

ШАРҚ МИНИАТЮРАЛАРИ

Шарқ халқларининг муштарак мероси бўлмиш қадимий мўътабар қўлёзмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмлар — миниатюраларининг энг яхшилари жаҳон тасвирий санъати шоҳ асарлари сирасига киради. Бу ажойиб санъат X—XIX асрлар давомида Яқин ва Ўрта Шарқ маданий марказлари—Самарқанд, Бухоро, Ҳирот. Табриз, Боғдод ва бошқа шаҳарларда турли даврларда тараққий топди.

Нафис мўъжаз расмлар учун илмий ва бадиий адабиёт асос бўлиб хизмат қилди. Кейинги вақтда Шарқ миниатюра санъати бутун дунёда ажойиб рассомлик намунаси сифатида тан олиниб, энг яхши намуналари юксак полиграфик савияда чоп этилмоқда, махсус тадқиқотлар эълон қилинмоқда. Мамлакатимиз олимлари, хусусан шарқшунос, санъатшунос олимлар ҳам Шарқ миниатюрасини ўрганишга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Айниқса, бу ўринда Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Низомий Ганжавий асарларига ишланган расмларни ўрганишдаги муваффақиятлари салмоқлидир.

Тошкентда чоп этилган «Бобурнома расмлари» альбоми жуда катта тиражда тўрт марта нашр этилиб, бутун жаҳонда тан олинган ва 1971 йили Лейпцигдаги Халқаро китоб кўргазмасининг кумуш медали билан тақдирланган эди.

Республикамиз етакчи санъатшунос олимаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Галина Анатольевна Пугаченкованинг ленинградлик олима Олимпиада Галеркина билан ҳамкорликда чоп этишган «Ўрта Осиё миниатюралари» номли альбом-тадқиқоти 1980 йили СССР Бадиий академиясининг махсус дипломи билан мукофотланди.

Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган, Эльмира Исмоилова ва Елена Полякова тайёрлаган «Шарқ миниатюраси» ҳам бу соҳадаги муҳим ишлардан биридир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Фан» нашриёти 1982 йили чоп этган, профессор Ҳамид Сулаймон ва Ф. Сулаймонова тартиб берган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» номли альбом мамлакатимизда Шарқ миниатюрасини ўрганиш соҳасида нашр қилинган энг бой китобдир. Шунинг учун ҳам бу альбом муносиб равишда СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига тайёрланган нашрлардан энг яхшилари қаторида мукофотга сазовор деб топилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида чоп этилган «Алишер Навоий» асарларига ишланган расмлар», «Алишер Навоий асарларининг бадиий қўлёзмалари» ва «Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар» номли терма-альбомлар ҳам кенг жамоатчилик томонидан маъқулланиб кутиб олинди.

Ўтган йили Озарбайжон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Керим Жабар ўғли Керимов тартиб берган «Низомий «Хамса»си миниатюралари» номли ажойиб альбом юксак полиграфик савияда чоп этилди. Шуниси қувонарлики, ушбу альбом саҳифаларидан жой олган расмлар ичида Ўрта Осиёдан чиққан рассомлар асарлари ёки бу ерда яратилган мўътабар қўлёзмалар зийнатлари ҳам ўрин олган. Бу ўринда асли термизлик, аввал Табризда, кейинча Ҳиндистонда яшаб ижод этган, устод Камолиддин Беҳзод шогирдларидан бири Мир Саид Али яратган расм ўзининг юксак бадиий савияси билан алоҳида ажралиб туради.

Альбомдаги бир юз қирқ расмдан ўттиз иккитаси Ўрта Осиёга тааллуқлидир. Умуман, «Низомий «Хамса» миниатюралари» альбомининг чоп этилиши Совет санъатшунослигининг янги бир ютуғидир.

А. МАДРАИМОВ,
санъатшунослик кандидати.

* * *

СУРАТЛАРДА: Низомий «Хамса»сига ишланган миниатюралардан намуналар.
Т. Каримов репродукциялари.

ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ

Республика Кинематографчилар союзининг Кино уйида «Ўзбектелефильм» киностудиясида яратилган «Дилафрўз Жабборова рақс тушади» янги фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Кино кўриги намойишида қатнашган санъаткорлар картина яратувчиларини ижодий ютуқ билан табрикладилар.

Таниқли шоир ва драматург Туроб Тўла ва кинорежиссёр Н. Қўлдошев ҳамкорликда истеъдодли рақкосанинг ижодига бағишлаб жозибали картина яратишга муяссар бўлишган.

Ўзбек рақкосаси ўз санъатини Сингапур, Малайзия, Италия, Бельгия, Франция, Ҳиндистон, Эрон, Дания ва бошқа мамлакатларда зўр иштиёқ билан тараннум эта олди. Халқ рақси ва замонавий рақс санъатини тараққий эттиришдаги хизматлари учун Дилафрўз Жабборова Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирланди.

ШАХМАТ ТОЖИ САРИ ЮРИШ

ДАЪВОГАРЛАР ФИНАЛ МАТЧИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ПАРТИЯСИДА ДУРАНГГА ЭРИШГАН БОКУЛИК ЁШ ГРОССМЕЙСТЕР ГАРРИ КАСПАРОВ ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН БАҲСГА КИРИШИШ ҲУҚУҚИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ҚЎЛГА КИРИТДИ. МУХБИРЛАРИМИЗ МАТЧ ТУГАГАНДАН КЕЙИН ҒОЛИБ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИЛАР.

— Гарри, сизнинг Озарбайжон чет тиллар педагогика институтининг тўртинчи курсида муваффақиятли ўқиётганингизни биламиз. Аммо ҳеч шубҳа йўқки, шахмат ҳаётингиздаги энг муҳим нарсадир. Шунинг учун ҳам сизнинг шахмат ҳақидаги фикрингизни билиш жуда қизиқарли.

— Шахмат — бу фан ҳам, санъат ҳам. Шу билан бирга ақлимизни, асаблар ва иродамизни жиддий синовдан ўтказадиган нозик системадир.

— Сўзингизни бўлганимиз учун узр, Гарри. Сиз ҳозиргина шахмат ҳақида «Бу фан ҳам, санъат ҳам...» дедингиз. Айримлар эса шахматни спорт деб ҳисоблашади. Кимнинг фикри ҳақиқатга яқинроқ!

— Ҳар бир кучли ўйинчининг ўз йўли, ўз йўналиши бор. Менинг назаримда, шахмат кўп жиҳатдан санъатга яқинроқ. Ахир ўйинчи доналар комплекти ва тахтадан фойдаланиб, ўз асарини яратади. Тўғрисини айтганда, мен ички ҳис-туйғуга ишонаман: ана шу хилда шахмат тахтаси устида фикрларимни ифодалаш менга лаззат бахш этади. Ишончим комилки, шахмат спортдан кўра анча кўп қиррали.

— Энди сиз жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашасиз. Бу жиддий синовга тайёрланишга сизга ким ёрдам беради! Ҳозирги тренерларингизми!

— Нега улар алмашиши керак? Мен ҳозир кўп йиллик ҳамкорлик мобайнида синалган тўртта тренерга эгаман. Александр Никитин, Евгений Владимиров, Александр Шакаров, Геннадий Тимошченко. Албатта улар орасида олдинги сафдаги шахматчилар йўқ. Мен ўзим билан мусобақаларда учрашмайдиган кишилар билан машқ қилишни афзал кўраман.

— Футболда, гимнастикада тренерлик ишини тушуниш мумкин. Шахматда мураббийнинг роли нимадан иборат! У юксак маҳоратли гроссмейстерга нима бериши мумкин!

— Кўп нарса беради. Бир йил давомида йирик мусобақаларда ўйналган тахминан олти минг партия билан танишиб чиқаман. Тренерлар эса ана шу партияларни танлаш билан шуғулланишади. Дебют тайёргарлигида барча иш коллектив равишда олиб борилади. Аммо унда албатта ўзим иштирок этаман. Тренерлар рақиблар ҳақида материал тўплашади. Материалларнинг яхши ўзлаштирилишини таъминлаш, барча зарурий ахборотларни пухта ва тушунарли ҳозирлаш ҳам уларнинг вазифасига киради. Бундан ташқари, тренерларимдан иккитаси билан доимо шахмат ўйнаб тураман. Улар ўзаро ҳамда мен билан умумий тил топишган.

— Сизнинг назарингизда жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашув қандай бўлади!

— Маълум даражада мен психологик жиҳатдан имтиёзга эгаман. Ахир кенг тарқалган «Унвонни биринчи бор қўлга киритишдан кўра уни ушлаб туриш анча қийин» деган фикр ҳозиргача ўз кучида. Эҳтимол Карпов ўз кучини тўғри тақсимлар, унинг матч учрашувлари тажрибаси ҳам кўпроқ. Ўйин услуби эса мушоҳадага мойил. Аммо кўп нарсани топқирлик, фантазия ҳал қиладиган позицияларда мен ундан қолишмайман, балки жаҳон чемпионидан бироз устунликка эгаман. Умуман олганда, бизнинг имкониятларимизни баравар деб баҳолаган бўлар эдим. Шуни унутмангки, Карпов чемпион бўлган 1975 йилда мен спорт мастерлигига номзод эдим.

— Нима бўлганда ҳам чемпионлик тожи яна бир неча йилга мамлакатимизда қолади. 1948 йилдан бошлаб фақатгина бир чет эл гроссмейстери жаҳон биринчилиги ғолиблари бўлган совет шахматчилари сафига ёриб киришга муваффақ бўлганди. Сизнинг фикрингизча бундай доимий ва узоқ муддатли муваффақият сабаби нимада!

— Чехословакиялик гроссмейстер Торт шундай дейишни яхши кўради: «Жаҳоннинг энг яхши гроссмейстерларини Совет Иттифоқи биринчилиги финалига юбориши керак. Фақат ўшандагина ҳақиқий қаттиқ саралаш қандай бўлишини тўла ҳис этиш мумкин». СССРда ажойиб юксак маҳорат мактаби яратилган. Чет эл мусобақаларида жаҳон шахмат юлдузлари ўйнаган партияларни кўздан кечириб, бизнинг ички мусобақаларда паст категорияга эга бўлган шахматчилар ҳам улардан ёмон ўйнамаслигига ишонч ҳосил қилдим. Совет Иттифоқида шахмат оммавий характерга эга, ўринбосарлар ҳам ишончли. Чунки уларга ўсиш, маҳоратни юксалтириш учун барча шароитлар яратилган. Ҳатто «Комсомольская правда» газетаси ўқувчилари билан «Каисса» электрон ҳисоблаш машинаси ўртасидаги матчда ҳам ишқибоз шахматчиларимиз жуда кучли эканлиги маълум бўлди. Уларнинг даражаси ҳам бутун шахмат системасига муносиб. Жаҳон экс-чемпиони, америкалик Бобби Фишер эса назаримда мустасно ҳол бўлган эди.

— Фишер ҳақида эслаб қолдингиз... У яна шахматга қайтармикан!

— Фишер мусобақаларда анча вақтдан буён ўйнамаяпти. Амалиётнинг йўқлиги унинг кучига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Аммо ҳар бир жаҳон чемпиони шахматдаги ўзига хос бир даврдир. Фишер деярли ҳамиша фақат ғалаба учун ўйнаган. Ўтган йилги Никшичдаги мусобақада мен ҳам худди ана шу услубда, тўла куч билан ўйнашга уриниб кўрдим. Олти партияни ютдим. Сўнгра эса қоқилдим. Ахир мен эндигина йигирма ёшга кирдим, куч-ғайратга тўламан. Менинг фикримча, Фишернинг фақат ғалаба учун ўйнаши унга панд берди. Узоқ вақт бундай ўйнаш мумкин эмас. Фишер шахмат учун йўқотилган деб ҳисоблайман. Айтишларича, ҳозир у яна партияларни таҳлил қилишга киришган эмиш. Аммо аввалгидек амалий ўйиндан чўчийди. Ҳаммасини бошидан бошлашга бу машҳур гроссмейстернинг қудрати етмаса керак. Фишер кетиши билан шахмат кўп нарса йўқотди, менда эса бу ҳол ачиниш уйғотади.

— Чемпионлик унвони учун кураш циклини тўрт йилда эмас, икки йилда ўтказиш ҳақидаги ФИДЕ қарорига қандай муносабатдасиз!

— Мутлақо қаршиман. Жаҳон чемпиони унвони салмоқли, аҳамиятли. Юксак шахмат унвони учун курашни бундай устма-уст қалаштириб ташлашни асло тушуниб бўлмайди.

— Онангиз ҳақида гапириб берсангиз. Айтишларича у сизнинг бешинчи тренерингиз эмиш.

— Йўқ, биринчи тренерим. Ҳаётда ва шахматда нимага эришган бўлсам, ҳаммаси учун онамдан миннатдорман. Матбуот конференцияларидан бирида ундан отамнинг вафотидан кейин нега турмушга чиқмаганлигини сўраб қолишди. «Бундай саволларни жаҳон шахмат биринчилигига даъвогарнинг онасига эмас, актрисага бериш керак», —деб жавоб берди у.

— Сизнинг ҳамиша қатъий спорт режимига риоя қилишингиз кўпчиликка маълум...

— Ана шу обрўйимни туширмасликка ҳаракат қиламан.

— Гарри, сиз комбинацион услубнинг эътироф этилган устаси бўлсангиз ҳам бу матчда асосан эндшпилда кураш олиб бордингиз!

— Мен атайлаб партияларни якуний қисмга олиб келишни ўзимга вазифа қилиб қўйганим йўқ. Фақатгина энг яхши юришларни қилдим.

— Даъвогарларнинг бундан олдинги матчларида дастлабки партиялар сиз учун оғир кўчган эди. Бу сафар биринчи партиялардаёқ пешқадамликни эгаллаб олдингиз...

— Агар олдинги хатоларимдан хулосалар чиқармаганимда, даъвогарларнинг мусобақаларида ғолиб чиқолмасдим, жаҳон чемпионининг рақиби ҳам бўлолмасдим.

— Нега сиз e2—e4 юришидан воз кечиб, барча партияларда ёпиқ дебютларни танладингиз!

— Бу албатта менинг очиқ дебютлар душмани эканлигимни билдирмайди. Аммо, кечирасиз, ўзимнинг дебют мойилликларим ҳақидаги саволга жаҳон чемпиони А. Карпов билан матч арафасида жавоб бермасам. Ҳозирча бу менинг ички сирим бўлиб қолаверсин.

— Жаҳоннинг собиқ чемпиони В. Смислов билан тугалланган матчни қандай баҳолайсиз!

— Уни ўзимнинг энг юксак спорт ва ижодий ютуғим деб биламан. Эътибор беринг-а, бирор партияда ҳам рақиблар озгина бўлса-да, қўпол хатоларга йўл қўймадилар. Бундай кескин курашда камдан-кам ҳолларда шундай бўлади. Гарчи ғалаба осонликча қўлга киритилгандек туюлса ҳам, жаҳон экс-чемпиони устидан ғалаба қозониш осон бўлгани йўқ. Яна бир карра ўзимнинг ёрдамчиларимга, бу учрашувда мен учун жон куйдирган барча кишиларга раҳмат айтмоқчиман.

Суҳбатни Н. ДОЛГОПОЛОВ, В. Мелик-КАРАМОВ олиб боришди.
(«Комсомольская правда» газетасидан).

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● БАЛЛИ, БУВИЛАР!

Чита областининг Кира қишлоғи аҳолисини район маданият уйи хизматчилари одатдан ташқари бўладиган конкурсга таклиф этишди. Бу ерда телевизион программаларда кўриб одатланиб қолган ҳамма нарса муҳайё эди: талабчан жюри, музикали қутлов, уй топшириқларини баҳолаш, рақс конкурси ва ишқибозлар конкурси шулар жумласидан. Лекин ғолиблик учун курашни... бувилар ўтказиши керак эди.

Бувижонлар мазали таом тайёрлаш маҳоратларини намойиш этибгина қолмай, ашула айтиш, рақс тушиш, невараларига қараш бўйича ҳам ўзларини кўрсатишди. Уларнинг ҳаётлари давомида бошдан кечирган воқеалар, узоқ меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳикоялар айниқса конкурс қатнашчиларида зўр таассурот қолдирди.

Бундай конкурслар «Забайкалье бойчечаги» область ҳаваскорлик ижоди анъанавий баҳорги фестивалининг янги формаларидан бирдир.

● ГИЛАМНИНГ УЗУНЛИГИ — 70 МЕТР

Стокгольм парламенти биносига таъмирдан чиқарилган, ўралган катта гиламни олиб кириш учун йигирма беш кишининг роса терлашига тўғри келди.

Битта нусхада тўқилган янги гиламнинг узунлиги 70 метр, оғирлиги эса 600 килограммдир. Уни ўралган ҳолда олиб келишганда шу нарса маълум бўлиб қолдики, унинг ўрами жуда йўғон бўлиб, бино эшигига сиғмас экан. Кейин гиламни марказий кўчага олиб чиқиб ёйишга ва уни қайтадан, узунасига ўрашга тўғри келди. Шундан кейингина бу улкан гиламни парламент биносига олиб киришга муваффақ бўлинди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, гиламни бинога олиб кириш пайтида чорраҳада тиғиз вазият юз берди: узоқ вақт қизил чироқ ёниб турди...

● ЯЛҚОВЛАРНИНГ ҲАФСАЛАСИ ПИР...

Сўнгги вақтларгача Альберт Эйнштейннинг биографлари уни мактабда ўртача баҳога ўқийдиган ўқувчилар тоифасига киради, деб талқин этиб келардилар. Бу факт, деб ёзади Францияда чиқадиган ойлик илмий-оммабоп «Сьянс э ви» журнали, ҳанузга қадар мактабларнинг кўпчилик ялқов ўқувчилари учун бир дастак эди, улар ўқишдаги муваффақиятсизликларини ҳас-пўшлашиб, ўзларини вақти келиб Эйнштейнлар бўлиб етишамиз, деб ҳисоблашар эди.

Бироқ, энди ялқовларнинг ҳафсаласи пир бўлиб қолиши турган гап, деб ёзади журнал. Буюк физикнинг мактабдаги табелларини топишга муваффақ бўлинди. Ана шу табеллардан шу нарса аён бўлдики, бўлғуси буюк олим мактабда ҳам ажойиб тарзда шуғулланган экан. У барча фанлардан фақат яхши ва аъло баҳо олган экан.

● ДУХИЛАРНИНГ ДУХИСИ

Духилар, айниқса француз духилари қимматдир. Шу боисдан бундай духиларни ҳар куни сепишнинг ўзи бўлмайди. Яқинда эса «Диор» парфюмериянинг янги хилини ишлаб чиқаришга киришди. У ўз концентрацияси бўйича духи билан хушбўй сув ўртасида туради. У айниқса духига ўхшаш, баҳоси жиҳатидан эса хушбўй сувга яқин. Янги маҳсулотга «Эспри де парфюм» деган ном берилди, у таржимада «Духиларнинг духиси» деган маънони англатади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ СИЗЛАРГА АЛОҚА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ИШИНИ ВА МАДАНИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА

15 — 21 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

«ОЧИҚ ХАТЛАР ҲАФТАЛИГИ»НИ ЎТКАЗАДИ

СИЗЛАРНИ АНА ШУ ҲАФТАЛИКДА ҚАТНАШИШГА ВА ҚУЙИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ҚАЙТАРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

Сизга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимининг номери?

Сиз хизматидан фойдаланаётган алоқа бўлимининг ишлаш тартиби сизни қаноатлантирадими?

иш бошланиши,
тушлик танаффуси,
иш кунининг тугаши,
дам олиш куни.

Сиз обуна бўлган газеталарни қайси куни оласиз:

марказий,
маҳаллий.

Сизнинг адресингизга хатлар ва матбуот нашрларни етказиб бераётган почтальоннинг иши тўғрисида таклиф ёки мулоҳазаларингиз борми?

Сизга хизмат кўрсатаётган алоқа бўлими ёки почтамтнинг хизмат маданияти ва сифати борасида қандай мулоҳазаларингиз бор?

Сиз ўзингизга хизмат кўрсатаётган алоқа бўлимининг индекси ва номерини дўстларингиз ва таниш-билишларингизга маълум қилганмисиз? Жўнатилаётган почта жўнатмаларида қабул қилиб олувчи ва жўнатувчининг индекси ёзиб кўрсатиладими?

Сиз мактубларни фақат 114х162 мм, 162х229 мм, 229х324 мм размерли стандарт конвертларда юбориш лозимлигини биласизми?

Сиз яшаётган хонадоннинг эшигида номер белгиси борми ва у қоронғи тушган пайтда ёритиладими?

Алоқа воситалари билан шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган таклифларингиз нималардан иборат?

Сизларнинг мулоҳаза ва таклифларингиз алоқа воситалари билан аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва маданиятини оширишда алоқа ходимларига яқиндан ёрдам беради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ
(700000, Тошкент шаҳри, Некрасов кўчаси, 1-уй).

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ

ОБУНА НАШРЛАРИГА ОБУНА ЎТКАЗАДИ

К. ВАНШЕНКИН, 3 жилдли. Бай пули — 1 сўм.
Е. БУКОВ, 3 жилдли. Бай пули — 1 сўм.
В. БОКОВ, 3 жилдли. Бай пули — 1 сўм.
Г. БАКЛАНОВ, 4 жилдли. Бай пули — 1 сўм.
Н. ДОРИЗО, 3 жилдли. Бай пули — 1 сўм.
М. КАРИМ, 3 жилдли. Бай пули — 1 сўм.

ЮТУҚЛАРДА ҚАТНАШИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР 14 АПРЕЛЬ СОАТ 9 ДАН 16.00 ГАЧА ТАНАФФУССИЗ ОЛДИНДАН РЎЙХАТГА ЁЗИЛАДИЛАР.

Рўйхатга ёзилишда маҳаллий пропискаси бўлган паспорт кўрсатилиши лозим.

Рўйхатга ёзиш вақтини тезлаштириш ва қисқартириш учун ютуқда иштирок этадиганларнинг барчасидан олдиндан паспорт эгасининг уй адреси, фамилияси, номи, отасининг номи босма ҳарфлар билан аниқ, равшан ёзилган почта откриткасини тақдим этишларини сўраймиз.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари навбатдан ташқари ёзилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ютуқлар 14 апрель соат 18.00 да ўйналади.

АБОНЕМЕНТЛАР 15, 16, 17 АПРЕЛДА БЕРИЛАДИ.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари якшанба — 15 апрель куни соат 10 дан 12.00 гача рўйхатга ёзиладилар.

Ютуқ соат 12.00 да ўйналади. Абонементлар 15, 16, 17 апрелда берилади.

Магазиннинг справкалар телефони: 44-57-41.

ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Аҳолига тарқатилаётган газларнинг тарифлари ўзгарганлиги ва кирим омонат кассаларида янги касса аппаратлари ўрнатилганлиги муносабати билан

«ТАШГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

АБОНЕНТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ АЛМАШТИРАДИ

Абонент дафтарчаларини ҳанузгача алмаштирмаган абонентлар уларни алмаштиришлари учун «Ташгаз» бирлашмасининг абонент бўлимига учрашишлари керак.

Газ учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқидан фойдаланадиган абонентларга бир йўла шуни ҳам эслатиб ўтамизки, «коммунал хизмат учун квартира ҳақи тўғрисидаги» қонунга биноан тасдиқланишни тақозо этадиган имтиёзлар белгиланган намунали ҳужжат тақдим этилганидан кейин навбатдаги ойдан бошлаб газ етказиб берилади.

Оила аъзоларининг сони ўзгарганлиги тўғрисидаги барча маълумотлар «Ташгаз» бирлашмасининг абонент бўлимига ўз вақтида маълум қилиниши лозим. Оила аъзоларининг сони ўзгарганлиги тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб тегишли ўзгартишлар жорий этилади.

Газдан фойдаланганлиги учун 2 ойлик ҳақни тўлаш бўйича қарздор бўлган абонентларнинг гази огоҳлантиришсиз газ таъминотидан узиб қўйилади.

Якшанба, душанба — дам олиш кунлари.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 59-«а» уй.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОКРАНЧИ («С» категорияли ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга 3-класс), **автомашиналар ремонти бўйича** СЛЕСАРЬ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, СКРЕПЕР МАШИНИСТИ, ПРИЦЕПЛИ ГРЕЙДЕР МАШИНИСТИ, СУВОҚЧИ-БЎЕҚЧИ, ДУРАДГОР, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ЭЛЕКТРОКАРА ҲАЙДОВЧИ.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида мажбурий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Слесарь-сантехник, дурадгор (ўқиш муддати 1 йил) ихтисослари бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. Бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар кунига 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларнинг ҳаммаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРДА
Ж. ЛОНДОНнинг
4 ЖИЛДЛИ НАШРИГА

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

13 апрелда ҳар бир қабул пунктида 50 тадан абонемент берилади. 14, 15 апрелда ҳар бир қабул пунктида 150 тадан абонемент берилади.

Бир йўла камида 20 килограмм макулатура топширилгандан кейин абонемент берилади ва нашрнинг сўнгги жилди олинаётганида топширилган макулатуралар ҳисоблаб чиқилади.

Ҳар бир жилд учун 20 килограмм ҳисобида макулатура топширган киши тўла комплектни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Топширувчига кўп жилдли нашр учун фақатгина битта абонемент берилади ва унга абонементнинг берилган куни ёзиб қўйилади.

Кўп жилдли нашрни олиш учун етмаган макулатурани қабул қилиш рақамлар шкаласи бўлган абонемент кўрсатилиши билан макулатуралар қабул қилинади. Макулатураларни қабул қилиб олиш ва маркаларни бериш пайтида тайёрловчи абонементдаги рақамлар шкаласидан топширилган макулатуранинг оғирлигига монанд келадиган рақамлар миқдорини қирқиб олади.

Биринчи ва охирги жилд учун макулатура топшириш пайтида топширувчига 1, 3, 5 ва 10 килограмм номиналли марка берилади. Бу маркалар абонементнинг ўнг томонига ёпиштирилган бўлади.

Тошкент китоб савдоси бўлими магазинларида кўп жилдли нашр учун берилган абонементлар бўйича китоблар сотилади. Ана шу магазинлар ва уларнинг иш соатлари рўйхати қабул пунктларида осиб қўйилган.

Кўп жилдли нашр абонементларининг эгалари икки ҳафта китобларни алмашувга сотадиган исталган китоб магазинларида рўйхатдан ўтишлари керак. Бунда абонементнинг устки қисмига магазиннинг штампи босилади. Шунга биноан абонементда кўрсатилган нашрнинг барча кейинги жилдлари сотиб олинади ва абонементга бириктирилган талон қирқиб олинади. Топширувчи нашрнинг охирги жилдини абонементга алмаштириб олади.

Абонементлар 13 апрель соат 18.00 дан, 14 ва 15 апрель соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Қолган кунлари эса макулатуралар абонементларга бериладиган маркалар комплектини тўплаш учун қабул қилинади.

Макулатуралар, иккиламчи хом ашёлар чекланмаган миқдорда 52—01 прейскурантига биноан топширилган макулатуранинг бир килограммига 2 тийиндан, жун латта, жун аралашган латтанинг 1 килограмми учун 16 тийиндан ҳақ тўланади, ип газламали, каноп ва қопнинг 1 килограмми учун 6 тийиндан ҳақ тўланади.

Қабул пунктлари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача. Жума куни соат 11.00 дан 20.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача.

Душанба — дам олиш куни.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ — МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА

1 — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ—15.
5 — Уйғур кўчаси (Кўкча колхоз бозори).
9 — Зиё Саид кўчаси.
35 — У. Юсупов кўчаси.
54 — Оқтепа массиви, 19«а»-уй.
69 — Марказ—26.

С. РАҲИМОВ РАЙОНИДА

2 — Форобий кўчаси, Чиғатой дарвоза маҳалласи.
10 — 1/3-Қорақамиш массиви.
11 — 2/4-Қорақамиш массиви.
23 — ТошМИ массиви.
30 — 1/4-Қорақамиш массиви (колхоз бозори).
42 — 1/2-Қорақамиш массиви (савдо маркази ёнида).
50 — Чимбой кўчаси.
51 — Беруний кўчаси.
56 — 2-Тансиқбоев массиви;
61 — Марказ-17/18 массиви;
62 — Қорасарой кўчаси («Ташигрушка» фабрикаси яқинида).

ЛЕНИН РАЙОНИДА

3 — Қўйлиқ бозори.
24 — Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй.
31 — 2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази.
47 — Малая Госпитальная кўчаси, 4-уй.
48 — Куйбишев шоссеси, 818-уй.
49 — Подъёмник кўчаси, 1-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДА

4 — «Ташавтомаш» массиви.
22 — Циолковский кўчаси (касб касалликлари институти қаршисида).
26 — М. Горький проспекти.
32 — Луначарский шоссеси, 301-уй.
33 — Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.
34 — Улуғбек посёлкаси, ядро физикаси институти.
37 — 2-Қорасув массиви.
68 — М. Горький проспекти (50 ва 52-уйлар ўртасида).

ҲАМЗА РАЙОНИДА

6 — Янгиобод массиви.
25 — Бирлашган кўчаси, автостанция.
52 — Шумилов шаҳарчаси («Мир» ёзги кинотеатри ёнида).
29 — Қурувчилар кўчаси, 38-уй.
39 — 4-турар жой шаҳарчаси, Шолохов кўчаси, 1«а»-квартали.
60 — Лисунов кўчаси (Лисунов номли кинотеатр ёнида).

КИРОВ РАЙОНИДА

7 — Юнусобод массиви, Б—1.
19 — Ж. Обидова кўчаси, 20-уй.
20 — Олой бозори.
27 — Юнусобод массиви, А—3.
46 — Юнусобод массиви, СБ—4А микрорайони.
53 — «ТашГРЭС» микрорайони.
66 — Юнусобод массиви, Б—4.

А. ИКРОМОВ РАЙОНИДА

8 — Фарҳод ярмаркаси.
13 — Чилонзор массиви, 24-квартал, 63-уй, 62-квартира.
16 — Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй; 39-квартира.
17 — Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира.
40 — Чилонзор массиви, 14-квартал.
36 — Октябрь массиви, Ибрат кўчаси.
45 — 5-Атоий проезди, 6«а»-уй.
57 — Бирлик массиви, Шароф проезди, 9-уй.
58 — «Октябрь» массиви, Садоқат кўчаси, 2-проезд.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДА

12 — Ивановолик тўқувчилар кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида).
28 — Первомайск колхоз бозори.
38 — Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй, 8-корпус.
59 — К. Финская кўчаси,
65 — Саломатин кўчаси, 4-тупик.
67 — Стахановчилар кўчаси («Аския» бозори қаршисида).

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДА

14 — Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а»-уй, 1-квартира.
15 — Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй.
41 — Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 1«а»-уй.
21 — Чилонзор массиви, 20-квартал, С. Сегизбоев кўчаси.
55 — Мевазор маҳалласи, Машраб кўчаси.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДА

18 — Спутник массиви, Марказ—3, 5-уй.
44 — 1-Сергели массиви.
43 — Сергели массиви, Савдо маркази.
63 — Заречная кўчаси.
64 — Чоштепа кўчаси (54—разъезд).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Макулатуралар газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўраш қоғози турларига қараб алоҳида ўрам қилиб боғланган ҳолда, гражданларнинг турар жойларидан қатъий назар жонли навбат тартибида қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Абонементлар олиш учун қабул пунктларига макулатуранинг уюшқоқлик билан топширилиши адабиётнинг китоб савдоси шахобчаларига тезроқ йўл олишига имкон беради.

О. ГЕНРИНИНГ «Рассказы» ва Р. ДЖАВАНЬОЛИнинг «Спартак» китобларини олиш учун берилган абонементлар муддати 1984 йил 1 октябргача узайтирилди.

Абонементлар берилиши масаласи юзасидан маълумотлар олиш учун 48-04-93 телефонига мурожаат қилинг.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

МУАТТАР ИСЛИ АТИР!

АЁЛ КИШИНИНГ ЗИЙНАТИДИР!

Муаттар исли, хушбўй атирлар аёлларда гўзаллик ва назокат яратишнинг зарур белгиси ҳисобланади.

СИЗНИНГ СЕВАДИГАН АТИРИНГИЗ БОРМИ?
ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

«ГЎР-АМИР» — барқарор исли, анвойи гулларнинг майин муаттар иси уфуриб туради. Уларда хушбўй гуллар ва бальзамнинг иси муштарак топган. Бу атирлар ўрта ёшдаги аёлларга дилбарлик бахш этади.

«МИРАЖ» — атири янги маҳсулот бўлиб, у ўзининг майинлиги, ҳидининг дуркунлиги билан қиёфангизга завқ-шавқ бахш этади.

«АМУЛЕТ ЛЮБВИ» — жасмин, ландиш, геоцинт сингари гулларнинг ўзига хос хушбўй исини мужассам эта олган. Уларда барқ уриб ўсган кўкатларнинг ёқимли иси қўшилган бўлиб, ўзига хос сирли ис яратади. Бу атирлар оқшомбоп, тантанали маросимлар учун мос тушади.

«БАҲОР» — баҳор атри, кўклам фаслида ишлатиш учун жуда ҳам мосдир: унда гунафшанинг майин ҳиди анқиб туради. «Баҳор» ҳар қандай ёшдаги аёлларга манзур бўлади.

ТОШКЕНТ ПАРФЮМЕРИЯ ФАБРИКАСИ (телефон 96-26-80).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24 (25).

ТВ

пайшанба

12 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.00 «Миллионлар ленинча университети». Социалистик экономикани бошқариш.
18.30 «Агар соғлом бўлай десанг». 5-кўрсатув.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Космонавтика кунига «Инсон. Ер. Коинот».
20.25 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 В. Панова. «Тўймисан, тўй». Телеспектакль.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ўз бахтимни излайман». Кўрсатувда Минск шаҳридаги ўрта мактаб ўқитувчиси Л. Смолик Черкасов областидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси В. Гонтар, учувчи И. Коцеп, КамАЗ ишчиси И. Лимонова иштирок этадилар.
19.30—20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Номаълум тўсиқ». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Космонавтика кунига. «Эврика». Кинокўрсатув.
19.00 «Космонавт Владимир Жонибеков». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19. 45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан».
20.10 «Тулки, кундуз ва бошқалар». Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР халқ артисти К. Орбелян раҳбарлигидаги Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш мавсуми кундалиги».
22.25 Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти (давоми).
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ер ва юлдузлар». Телефильм.
18.35 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм.
19.00 Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Классик куй саҳифалари».
21.20 «Самолётлар ишончли қўлларда». Ҳужжатли фильм.
21.30 МТ II

жума

13 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
10.25 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
11.30 «Енгиш». Телефильм премьераси.
12.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Т. Тауэр чалади (арфа).
12.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильм.
16.15 Харьковдаги «Серп и молот» заводи Маданият саройи гитарачилар ансамблининг концерти.
16.45 «Стадион ҳамма учун».
17.15 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига».
17.45 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ўсмирлар ижоди».
20.05 «СССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар».
20.20 Хоккей бўйича «Швеция кубоги» халқаро турнири. ЧССР—СССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 «Сизни космонавтлар таклиф этади». Концерт.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Одам ва баландлик». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар.
14.00 «Сен қонунни биласанми?» (Совет гражданларининг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида).
14.35 «Бу қайноқ олам». Илмий-оммабоп фильм.
14.55 «Драматургия ва театр». А. П. Чехов. «Чайка».
15.40 «Ишчилар синфи сафига кирар эканман...»
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 И. С. Бах. «Чакона». Гитарачи Н. Епес ижро этади (Испания).
19.05—20.30 «Улар йўлда учрашдилар». Бадиий фильм.
20.45 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестри чалади.
21.30 «Время».
22.00 Ҳужжатли фильмлар.
22.30 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «ЗИИ»—МАСК.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Ереванадан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
19.00 «Анъаналар ва замонавийлик». «Бизнинг маҳалла».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ...» «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эстония теле деннесининг программаси.
20.30 Ахборот».
20.50 «Бузилмас иттифоқ...» «Ўзбекистон ССР ва Ўзбеки Компартияси ташкил т ганлигининг 60 йиллиги бағишланган иттифоқд республикалар телеви фестивали. Эстония теле денисиянинг программ (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Қалб ила адо эт парвоз». ЎзССР халқ арт ти Гули Ҳамроева ишт кида балет кечаси. А. Нав номли Давлат акаде Катта театридан трансл пайтида ёзиб олинган.
23.30 Янгиликлар.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 12/IV да
Карлос, 13/IV да Бо
яратилиши, 14/IV да
Игорь.

ҲАМЗА НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 12/IV да
вона, 13/IV да Зеб
14/IV да **Қиёмат қар**

МУҚИМИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
РИДА — 12/IV да Ҳа
гизга тайёрмиз, 13/IV
ликда берган кўнгил, 1
Гулсара.

цирк

Тошкент давлат цирки
Совет цирки усталари
«Сабан туйи» аттрак
нинг хайрлашув томо
(19.30).

кино

12 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА ҚОБ» — **Санъат саройи** зал, 17, 19, 20.30, лефон 44-21-74), **Ўзбек ССР 25 йиллиги номли** соатларда, телефон 53-6 **Чайка** (жуфт соатларда фон 77-06-20).

«ЁЛҒИЗЛАР ЕТОҚ БИЛАН ТАЪМИНЛА ЛАР» — **Ватан** (жуфт ларда, телефон 35- **Москва** (тоқ соатларда фон 33-05-01), **ВЛКСМ йиллиги номли** (жуфт соа да, телефон 33-44-52), **номли** (жуфт соатларда фон 91-10-51), **Восток** соатларда, телефон 91- **Санъат саройи** (кичик 17, 19.00).

«СЕНИНГ ФРОНТИНГ ЕР» — **Искра** (жуфт соа да, телефон 39-14-59), (жуфт соатларда, те 58-36-06).

«КНЯГИНЯ ОЛЬГА Ҳ ДА АФСОНА» — К. Ёр **номли**, (17, 20.00; 18, телефон 24-22-66).

13 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА ҚОБ» — **Санъат саройи** зал, 11, 13, 15, 17, 19, 2 телефон 44-21-74), **Ватан** соатларда), **Ўзбекистон С йиллиги номли** (тоқ соатл телефон 53-65-87), (жуфт соатларда, телефо 06-20).

«ЁЛҒИЗЛАР ЕТОҚ БИЛАН ТАЪМИНЛА ЛАР» — **Нукус** (тоқ соат да, телефон 46-70-69), **ғистон** (жуфт соатларда, фон 35-24-92), **Москва** соатларда, телефон 33-05 **ВЛКСМ 30 йиллиги** соатларда, телефон 33-44 **Ҳамза номли** (жуфт соат телефон 91-10-51), **Во** (жуфт соатларда, телеф 14-61), **Санъат саройи** (зал, 11, 13, 15, 17, 19.00).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР РИ» — **Қозоғистон** (тоқ с ларда, телефон 35-24 **Ғ. Ғулом номли** (жуфт с ларда, телефон 48-42-80).

«СЕНИНГ ФРОНТИНГ ЕР» — **Искра** (жуфт соат да, телефон 39-14-59), **лик** (жуфт соатларда, теле 58-36-06).

«КНЯГИНЯ ОЛЬГА Ҳ ДА АФСОНА» — К. Ёр **номли** (11, 14, 17, 20.00 15, 18, 21.00, телефон 24-2

Навоий область Хатир районидаги 15-ўрта ма томонидан **Каримов Шер** номига берилган 865107 мерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ижроия ко митети соғлиқни сақлаш бо бошқармаси коллективи бў бошлиғи Д. Н. Нишонов ўғли

Фарҳод НИЗОМОВнинг

вафот этганлиги муносаба билан чуқур таъзия изҳ қилади.

Республика «Гастроном» контораси коллективи са системасининг кекса ходим 11-«Гастроном» магазини ди ректорининг ўринбосари, 194 йилдан буён КПСС аъзоси

Зоҳид РИХСИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қай ғу билан билдириб, марҳум нинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
БЕТ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—10169. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.